



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2018 йил 23 ноябрь, № 242 (7200)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



БАНК ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 22 ноябрь куни банк тизимини ислоҳ қилиш ва банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, ҳудудлар ва тadbиркорликни ривожлантиришда тижорат банклари ролини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Кредит ишлаб чиқариш ва инфратузилмани ривожлантириш тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда зарур манба ҳисобланади. Бўш маблағларни жалб қилиб, уларни кредит сифатида тadbиркор ва инвесторларга тақдим этадиган тижорат банклари иқтисодий жараёнларда муҳим ўрин тутadi.

Бу борада қўрилган тизимли чоралар натижасида охириги икки йилда банклар томонидан инвестиция лойиҳаларини кредитлаш қўлами сезиларли даражада кенгайиб, кредит портфели ҳажми 3,2 баробар ошди. Ҳудудларни ривожлантириш дастурлари доирасида 6 минг 400 та лойиҳа учун 27 триллион сўмлик кредит ажратилди.

Йиғилишда банк тизимида ижобий натижалар билан бирга, қатор муаммолар ҳам борлиги қайд этилди. Жорий йилда Президентнинг виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига банк соҳаси бўйича 24 мингдан зиёд muroжаатлар бўлгани шундан dalolat беради.

Видеоселекторда муаммоли кредитлар масаласи муҳокама қилинди. Бундай кредитлар жами кредитларнинг 1,8 фоизидан кам бўлса-да, йил бошидагиға нисбатан ошгани қайд қилинди. Ҳудудлар кесимида муаммоли кредитларнинг 76 фоизи Тошкент шаҳрига, 5 фоизи Қашқадарё, 3 фоизи Бухоро вилоятига тўғри келади.

Шунингдек, ҳокимликлар ва тармоқлар томонидан айрим лойиҳалар пухта ишлаб чиқилмагани оқибатида бир қатор объектлар ўз вақтида ишга тушмагани ва кредитлар қайтиши чўзилаётгани кўрсатиб ўтилди. Жумладан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Сурхондарё вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида кредит маблағлари ажратилган айрим инвестиция лойиҳалари ҳалигача бошланмагани танқид қилинди.

Уй-жой фондини таъмирлаш ва тураржой биноларини барпо этишга қайтариш манбалари ва имкониятлари тўлиқ ўрганилмасдан кредит ажратилиши натижасида умидсиз қарзлар кўпаймоқда. Масалан, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва кўп қаватли уй-жойлар қурилиши бўйича катта миқдорда муаммоли кредитлар мавжуд. Улардан энг кўпи — Тошкент шаҳрида 32 миллиард сўм, Қашқадарё вилоятида 27 миллиард сўм, Андижон вилоятида қарийб 20 миллиард сўм ва Бухоро вилоятида 14 миллиард сўмдир.

Давлатимиз раҳбари муаммоли кредитларни қайтариш банкларнинг имкониятларини янада кенгайтиришини, уларни ундириш бўйича банк-

лар, қарздор корхоналар, компания ва уюшмалар, ҳудудлар раҳбарлари биргаликда иш олиб бориши зарурлигини таъкидлади.

Банкларнинг кредит учун ресурслар жамлашдаги фаоллиги ҳам етарли эмас. Аҳоли ва юридик шахсларнинг бўш маблағларини банк депозитларига, биринчи навбатда, муддатли ва жамғариб бориладиган депозитларга жалб қилиш банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш имконини беради.

Президентимиз тижорат банклари томонидан халқаро молия институтлари кредит линияларини янада кўпроқ жалб қилиш ва уларни тўлиқ ўзлаштиришни фаоллаштириш лозимлигини қайд этди.

Тижорат банклари устав капитал, асосан, давлат улуши ҳисобига оширилиб, хусусий сектор маблағлари деярли йўналтирилмагани жиддий танқид қилинди.

Ўтган икки йилда давлат томонидан банкларнинг капиталига қарийб 1 миллиард доллар миқдорда маблағлар ажратилган. Қўрилаётган чора-тадбирларга қарамайдан давлат улушига эга деярли барча банклар, жумладан, “Қишлоқ қурилиш банк”, “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Асак” банк, “Агробанк”, “Микрокредитбанк”, “Алоқабанк” ва “Ипотека-банк” устав капиталлида жисмоний ва юридик шахсларнинг акциялари улуши кескин камайган. Шунинг учун хусусий сектор маблағларини банкларнинг устав капиталига фаол жалб этиш кераклиги таъкидланди.

Йиғилишда тижорат банкларининг кузатув кенгашлари банкларнинг стратегик ривожланиш йўналишларини белгилаш ва фаолиятини яхшилаш бўйича қўтилганидек ишламаётганига эътибор қаратилиб, Марказий банк, Иқтисодиёт вазирлиги давлат тасаруфидаги банкларнинг кузатув кенгашлари фаолиятини танқидий ўрганган ҳолда, улар таркибини тубдан қайта қўриб чиқиши ва самарадорлигини ошириши бўйича кўрсатма берилди. Мамлакатимиз молия муассасалари фаолиятини такомиллаштириш учун хориждан юқори маънави мутахассисларни жалб этиш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари тadbиркорликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида микрокредитлар ҳажмини кескин ошириш, уларни ажратиш тартибини содда-лаштириш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахборотлари эшитилди.

Ў.А.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ОСИЁ ФОРУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли форум иштирокчилари! Хонимлар ва жаноблар!

Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумининг барча иштирокчилари ва меҳмонларини қадимий Самарқанд шаҳрида қўллаш ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллиги билан табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби жаноб Антониу Гутерришга бизнинг минтақамизда биринчи марта бўлиб ўтаётган ушбу форумни ўтказиш ҳақидаги ташаббусни қўллаб-қувватлагани учун самимий ташаккур билдираман.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари бошқармаси, Халқаро миграция ташкилоти, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, бошқа ҳамкор ташкилотлар, Осиё мамлакатларининг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларининг юқори мартабали вакиллари, шунингдек, кўзга кўринган хорижий давлат ва жамоат арбоблари, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги етакчи экспертлар, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик миссия раҳбарлари ушбу форумда иштирок этаётганидан миннатдорман.

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллиги яқунлари: замонавий таҳдидлар ва реал воқелик” мавзусида ўтказилаётган мазкур анжуманининг долзарблиги ана шу асосий ҳужжатнинг ўрни ва аҳамиятини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарурати билан белгиланади.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича

Олий комиссари Мишель Бачелет хоним таъкидлаганидек, “биз юксак адолат ва тенглик сари ҳаракат қилган тақдирдагина янада барқарор тинчлик, хавфсизлик ва тараққиётга эришмоғимиз мумкин”. Мен бу муҳим принципни тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Тарих шундан далолат берадики, дунёдаги барча цивилизациялар, маданият ва динлар инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги таянч тушунчаларнинг шаклланишига асос бўлган инсонпарварлик ғоялари таъсирида вужудга келган.

Масалан, бундан 2700 йил муқаддам Осиё ҳудудида яратилган энг кўҳна ёзма ёдгорлик — “Авесто” китобида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, миллатлараро муносабатларни ўзаро ҳурмат ва ишонч таъминлаш негизида барпо этиш ғоялари муҳим ўрин тутadi, ўзравонлик ва адолатсизлик рад этилади.

Шунингдек, Шарқнинг буюк ҳуқуқшуносларида бири Бурхониддин Марғиноний XII асрдаёқ ўзининг “Ҳидоя” асарига ҳар бир инсоннинг ҳақ-ҳуқуқини сақлаш зарурлиги тўғрисида муҳим ғояни илгари сурган эди.

Ана шу муқаддас қадриятлар бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган ва мазкур форум кун тартибига ҳамоҳангдир.

Таъкидлаш жоизки, 70 йил аввал қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бутун дунёда демократия ва инсонпарварлик тамойилларини қарор топтиради борасида янги имкониятлар очди.

Афсуски, бугунги кунда биз барчамиз ана шу ижобий жараёнга тўқсинлик қилаётган мураккаб ва зиддиятчи тенденциялар кучайиб бораётганига ғувоҳ бўлиб турибмиз.

Бу ўринда жаҳонда, жумладан, Жануби-Шарқий Осиёдан тортиб Яқин

Шарққача бўлган маконда қуролли тўқнашувлар кучайиб, ўзаро ишончсизлик ва низолар, миллатлар ва конфессиялараро ихтилофлар чуқурлашиб бораётгани, барқарор тараққиётга қарши бошқа глобал таҳдид ва хатарлар ҳақида сўз бормоқда.

Иложсиз ҳолда ўз юртини ташлаб кетаётган кишилар ва қочқинлар сонига тобора ортиб бораётгани, таълим ва тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконияти йўқлиги, одам савдоси ва мажбурий меҳнат, аёллар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш, қашшоқлик ва очликка барҳам бериш зарурати билан боғлиқ муаммолар мураккаблашиб бораётганига биз четдан томошабин бўлиб қараб туролмаймиз.

Шу маънода, бизнинг қатъий ишончимизга кўра, жами 4,5 миллиарддан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Осиё минтақасининг келажаги кўп жиҳатдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2030 йилга қадар барқарор тараққиёт соҳасида белгиланган вазифаларни амалга оширишга тайёр бўлишга, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича самарали минтақавий механизмни шакллантиришга боғлиқ.

Хурматли форум иштирокчилари!

Бугун Ўзбекистон миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган бир даврда биз “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак” деган бош тамойилга амал қиломиз. Айнан ана шу тамойил 2021 йилгача Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиясини амалга оширишнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Биз парламент ваколатларини сезиларли даражада кенгайтирдик, жамоатчилик назорати институтларини мустаҳкамладик, фуқаролик жамиятини

фаол ривожлантирмоқдамиз. Суд тизими ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тубдан ислоҳ қилинмоқда. Оила институти ва жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизини мустаҳкамлаш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда, баркамол авлоднинг миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш учун барча шароитлар яратилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро тузилмалар билан яқин шериклик кенгаймоқда, ҳуқуқни ҳимоя қилиш борасида ҳуқуқматга қарашли бўлмаган ташкилотлар билан амалий мулоқот йўлга қўйилган.

Биз ана шу муҳим ишларни қатъий давом эттираемиз. Бизнинг устувор вазифамиз инсон салоҳиятини рўйбга қиаришга ҳар томонлама кўмаклашиш, унинг асосий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат.

Бу жамиятда тинчлик ва барқарорлик, фаровон ҳаётни таъминлашнинг асосий шартидир.

Ишончим комил, форум якунида қабул қилинадиган Самарқанд декларацияси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга, бу эзгу ишни янги, янада юксак поғонага олиб чиқишга хизмат қилади.

Анжуман доирасида иштирокчилар томонидан илгари суриладиган тақлиф ва ташаббуслар ҳамда уларнинг ҳулосалари инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий дастур ва стратегияларни ишлаб чиқишда инобатга олинади.

Форумнинг барча иштирокчилари ва меҳмонларига самарали фаолият олиб боришни, уларнинг мамлакатимизга ташрифи мазмунли ўтишини тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚАТТИҚ МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ ТЎПЛАШ ВА ОЛИБ ЧИҚИШ УЧУН ТЎЛОВЛАРНИ ТЎЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини ислоҳ қилиш доирасида ҳудудларни санитар тозалаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш, маиший чиқиндиларни тўплаш ва ҳудудлардан олиб чиқишнинг самарали механизмининг жорий этиш юзасидан изчил ишлар олиб боришмоқда.

Аҳолига санитар тозалаш хизматларини кўрсатиш қўлами ортмоқда, шу жумладан, ҳудудларда 174 та туман (шаҳар) филиалларидан иборат 13 та “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхоналари ташкил этилди, ушбу соҳага электрон танловлар асосида ҳудудларни бириктиришнинг шаффоф механизмлари орқали тadbиркорлик субъектлари фаол жалб қилинмоқда.

Чиқиндилар билан боғлиқ инфратузилма такомиллаштирилмоқда, тасдиқланган дастурлар доирасида янги чиқинди тўплаш шохобчалари қурилмоқда ва контейнерлар билан ҳишлоланмоқда, чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш ишлари билан шуғулланувчи ташкилотларнинг транспорт саройлари янгиланмоқда.

Шу билан бирга, ҳудудларда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш ишларида айрим муаммоларнинг мавжудлиги чиқиндилар билан боғлиқ самарали тизимни шакллантиришга ҳамда соҳани янада ривожлантиришга тўқсинлик қилмоқда, жумладан:

биринчидан, тўлов интизоми даражасининг пастлиги қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатувчи ташкилотларнинг (кейинги ўринларда — хизмат кўрсатувчи ташкилотлар) молиявий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиб, асосий фондларни янгилаш ва хизматлар сифатини оширишга инвестиция қиритиш имкониятларини чекламоқда, шунингдек, ушбу соҳага тadbиркорлик субъектларини жалб қилишга тўсиқ бўлмоқда;

иккинчидан, истеъмолчиларнинг ва улар томонидан тўланган тўловларнинг ягона ҳисоби амалда юритилмаётгани, бу эса ушбу соҳада нақд пул маблағлари банкдан ташқари айланишига ва уларни ўзлаштириш ҳолатларига замин яратмоқда;

учинчидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳудудларни санитар тозалаш ва улардаги экологик ҳолатни яхшилаш бўйича ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш учун етарли молиявий ва ташкилий имкониятларга эга эмас;

тўртинчидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорлигининг, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик битимлари доирасида ҳамкорликнинг аниқ маъмурий ва бозор механизмида ишлаб қилинмаган.

(Давоми 2-бетда).



Навоий шахри ва Навоий кон-металлургия комбинати ташкил топганлигининг 60 йиллиги

ХАЛҚИМИЗ ФАХРИ, ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ТАЯНЧИ, ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КЎЗГУСИ



...Азим Зарафшон воҳасида, беҳисоб табиий бойликлар макони бўлган Қизилқум минтақасида жойлашган Навоий вилояти, таъбир жоиз бўлса, мамлакатимизнинг дуру жаҳоирлар хазинасидир. Албатта, бу саховатли заминнинг хосияти ҳақида кўп гапириш мумкин. Аммо битта мисолнинг ўзи кўп нарсани англатади, деб уйлайман. Машҳур Менделеев жадвалида юздан зиёд модда бўлса, шуларнинг ҳаммаси, жумладан, олтин, қумуш, уран, табиий газ, нефть, минерал туз конлари ва бошқа бойликлар бу заминда бисёр топилади.

НАВОИЙ республикаимизнинг саноатлашган энг йирик вилоятларидан бири. Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда унинг ўзига хос ўрни бор. Бинобарин, бу ерда жойлашган йирик саноат мажмуаларида улкан лойиҳалар рўйбга чиқарилаётир. Айниқса, кейинги йилларда вилоятда бунёдкорлик юмушлари кенг қўлам касб этапти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан яқинда қабул қилинган “Навоий шахри ва “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонаси ташкил топганлигининг 60 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори эса ҳудуднинг, ундаги гигант ишлаб чиқариш тармоғининг бутун республикаимиз ривожига алоҳида аҳамият касб этишини яна бир бор тасдиқлади.

4- саҳифага қаранг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ҚАТТИҚ МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ ТЎПЛАШ ВА
ОЛИБ ЧИҚИШ УЧУН ТЎЛОВЛАРНИ ТЎЛАШ ТИЗИМИНИ
ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маиший чиқиндилар билан боғлиқ тизимни янада ривожлантириш, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлаш, аҳолининг сифатли санитар тозалаш хизматлари билан таъминланганлик даражасини ошириш мақсадида:

1. **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда — Бюро) зиммасига 2019 йил 1 январдан бошлаб қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун аҳоли томонидан мажбурий тўловлар тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш бўйича қўшимча вазифа юклатилсин.**

2. 2019 йил 1 январдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра:

а) қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловлар аҳоли томонидан тўлов амалга оширилган ўтган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи санасидан кечикмай ягона транзит банк ҳисобварақларига тўланади ва кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг махсус газна ҳисобварақларига ўтказилади;

б) хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича аҳолига кўрсатилган хизматлар учун тўлов Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузиладиган давлат-хусусий шериклик битимлари ва шартномаларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан марказлаштирилган ҳолда амалга оширилади;

в) қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўлов истеъмолчилар ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузиладиган шартномаларга мувофиқ бевосита хизмат кўрсатувчи ташкилотларга 100 фоиз олдиндан тўлаш асосида амалга оширилади;

г) қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловлар тўлаш бўйича жисмоний шахслардан қарздорликни ўндириш тўғрисидаги аризалар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда — Давлат экология қўмитаси) ҳудудий органлари томонидан тўлов олти ойдан ортиқ тўланмаган тақдирда судларга киритилади;

д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг махсус газна ҳисобварақларида жамланган маблағлар факатгина Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳақини марказлашган тартибда тўлашга, шунингдек, ушбу Фармоннинг 4-бандида назарда тутилган мақсадларга сарфланади.

3. **Давлат экология қўмитаси ҳудудий органлари хузурида юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш марказлари** (кейинги ўринларда — санитар тозалаш марказлари) 1-иловага мувофиқ намунавий тузилма асосида ташкил этилсин.

ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРГА ЭЪТИБОР,
ВАЛЮТА МУОМАЛАСИГА ТАЛАБЧАНЛИК КУЧАЯДИ



Маълумки, мамлакатнинг халқаро битимлари давлат ҳуқуқий тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу туфайли мажлис аввалда депутатлар ишни «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини атрофлича муҳокама қилишдан бошладилар.

Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизими фаолиятини, тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури»нинг 3-банди ижроси юзасидан Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳасининг асосий мақсади халқаро шартномаларни тузиш, чоп этиш, рўйхатга олиш, сақлаш, бажариш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш ва тугатиш, шунингдек, бажарилишини мониторинг қилиш тартибини белгилашдан иборат.

Янги тахрирдаги «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги

қонунни қабул қилиш масаласининг комплекс таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозир амал қилиб турган Қонун 1995 йилда қабул қилинган бўлиб, қарийб чорак аср давомида Ўзбекистонда ушбу соҳада кўламдор ўзгаришлар рўй берди. Бу эса ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам муайян ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Шу боис мазкур қонун лойиҳасида соҳага доир амалдаги қатор янги ўзгаришлар ўз аксини топди.

Лойиҳа матни «тушунчалар аппарати» билан тўлдирилди. Халқаро шартномаларни ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, илмий, экологик ва лингвистик, шунингдек, бошқа турдаги экспортизадан ўтказиш механизмлари белгиланди. Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро шартномаларнинг бажарилиши бўйича мониторинг олиб бориш механизми кенгайтирилди. Юридик мажбурият юқловчи ҳужжат бўлмаган халқаро актларнинг (декларация, қўша баёнот, англашув меморандуми ва бошқалар) ҳуқуқий ҳолати белгиланди.

Депутатлар фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакат ташқи сиёсатини

амалга оширишнинг асосий воситаларидад бири бўлган халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини шакллантириш ва такомиллаштиришга хизмат қилади.

Депутатлар томонидан кўрилган навбатдаги масала — Ўзбекистон Олий суди томонидан 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурининг 7-банди ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган «Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўлди.

Маълумки, Жиноят-процессуал кодексининг 270-моддасига мувофиқ, жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга, шунингдек, уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларига ўлдирish, қуч ишлатиш, мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш ёҳуд мол-мулкига шикаст етказиш билан ёки ўзга гайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар билан таҳдид қилинганга, дейиш учун етарли маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд бу

шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулкни муҳофиза қилиш, айбдорларни аниқлаш ҳамда уларни жавобгарликка тортиш чораларини кўриши шарт. Бирок ҳозиргача қонун ҳужжатларимизда ҳимоя чоралари тизимини аниқлаш тартиби, уларни қўллаш асослари аниқ-тиниқ белгиланмаган.

Мазкур қонун лойиҳасида қатор хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилган ҳолда, ҳимоя чоралари тизимини аниқлаш, уларни қўллаш асослари аниқ-тиниқ белгиланмаган. Ваколатли органлар томонидан жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан шахсни қўриқлаш, турархўй ва бошқа мол-мулкни асраш, уларга индивидуал ҳимоя воситаларини бериш, вақтинчалик хавфсиз жойга жойлаштириш, бошқа яшаш жойига қўйириш, иш (хизмат) ёки ўқиш жўмрини ўзгартириш, ҳужжатларини алмаштириб туриш каби хавфсизлик чораларининг қўлланилиши борасидаги нормалар аниқ белгилаб қўйилмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик

тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамаси ҳам депутатларнинг қизгин баҳс-мунозарасига сабаб бўлди.

Ушбу қонун лойиҳасининг асосий мақсади Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг шаҳарсозлик борасидаги қонун ҳужжатларини бузиш қисмига ўзгартиришлар ва қўшимча киритишдан иборат. Қайд этилганидек, амалиётда ақсарият ҳолларда якка тартибдаги тадбиркорлар — жисмоний шахслар (фуқаролар) томонидан ноқонуний қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Ўрганишларга кўра, қурилиш соҳасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар 2013 йилда 299 та, 2014 йилда 389 та, 2015 йилда 588 та ва 2016 йилда 911 тани ташкил этгани аниқланган. Қурилиш-монтаж ишларини бажарётган фуқароларга нисбатан содир этилган бундай ҳуқуқбузарликлар учун бугунги кунда маъмурий жавобгарлик қўллаш масаласи аниқ ҳал этилмаган. Шу муносабат билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг

79

ҳамда 160-моддаларига фуқаролар ва мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини қучайтириш ҳамда қўллаш тақлиф этилмоқда. Депутатлар лойиҳа юзасидан қонун ташаббускорлари га саволлар билан мурожаат этдилар. Мазкур қонун лойиҳаси дастлабки тарзда кўриб чиқилаётганда депутатлар томонидан билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар лойиҳада ўз аксини топмагани хусусида мисоллар келтирган ҳолда эътироз билдирдилар.

Шундан сўнг қонун лойиҳаси овозга қўйилди. Бироқ қонун лойиҳаси етарли овоз тўплай олмади. Мажлис кун тартибидagi навбатдаги масала «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 170-моддасига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўлди.

Қайд этилишича, мамлакатимизда чет эл валютасини айирбошлаш эркинлаштирилгандан буён соҳада амалга оширилаётган ислхотларга қарамай, хорижий валютанинг қонуний муомаласи билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар кескин ошиб бормоқда. Масалан, Бош прокуратура хузуридаги Департамент органлари томонидан ўтказилган таҳлиллар бу тоифадаги жиноятчиликнинг кескин ўсиш ҳолатларини кўрсатмоқда: биргина жорий йилнинг 9 ойда 2 069 та (2017 йил шу даврида —

1 656) шундай ҳуқуқбузарликлар аниқланган.

Шуни инобатга олган ҳолда тайёрланган қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 170-моддаси, Жиноят кодекси 177-моддасининг санкциясига ўзгариш киритиш орқали валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш учун жазо чораларини белгилаш ҳамда жарималар миқдорини ошириш кўзда тутилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши бу тоифадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини қучайтиришга, аҳоли томонидан чет эл валюталарини айирбошлаш шохобчалари орқали хилд қилиш даражасини оширишга, иқтисодиётда хуфиёна секторнинг даражасини камайтиришга ва чет эл валютасининг назоратсиз чиқиб кетиш йўллариин бартараф этишга ёрдам беради.

Мажлисида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазيري Б. Ходжаевга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Ўзбекистонда энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш ва энергия тежовчи инновацион технологияларни қўллаш истикболлари тўғрисида»ги парламент сўровини юбориш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Шунингдек, мажлисида парламент қўйи палатаси ваколатларига қирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловларни аҳоли томонидан тўлаш тартиби ҳақида хабардор қилинишини таъминласин.

8. Давлат экология қўмитаси ва Бош прокуратура бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2018 йил 20 декабрга қадар Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш қоидаларининг янги тахрирдаги лойиҳасини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда:

чиқиндилар билан боғлиқ соҳадаги охирги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда истеъмолчилар, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги янги ҳуқуқий муносабатлар тартиби;

қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловларни тўловчи жисмоний шахслар ҳисобини юритиш, шунингдек, белгиланган тарифдан келиб чиқиб тўланиши лозим бўлган ойлик мажбурий тўловлар миқдорини белгилаш механизмлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги намунавий битимни ҳамда аҳолига қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги намунавий шартномани тасдиқлаш назарда тутилсин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат экология қўмитаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмун ва моҳияти, шу жумладан, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш зарурлиги, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган жавобгарлик чоралари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Давлат экология қўмитаси Адлия вазирлиги, Бюро, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу Фармонга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О. Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 22 ноябрь	

Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми:

МИНТАҚАВИЙ МИҚЁСДА ТАЪСИРЧАН МЕХАНИЗМЛАР ЯРАТИЛАДИ



Очилиш маросимида сўзга чиққан нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари Юртбошимиз ташаббусига кўра ўтказилаётган мазкур анжуман мавзуси, миқёси, йўналишлари билан нафақат муайян минтақа, балки дунёдаги барча давлатлар учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидладилар. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари, БМТнинг Женева шахридаги бўлинмаси бош директори Майкл Мёллер Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси шарофати билан сўнгги йилларда кўплаб халқаро моҳирларнинг олди олингани, сайёраамизнинг кўплаб қайноқ нуқталарида кескинликлар юмшатилганини эътироф этар экан, жумладан, шундай деди: “Мазкур халқаро ҳужжат туфайли инсоният янада очик мулоқот қиладиган ва эркин бўлди. У дунё ҳамжамияти яхлитлиги ва барча халқлар фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Самарқанд форуми ҳам инсон ҳуқуқлари соҳасидаги минтақавий муаммоларни ҳал этишга қаратилгани билан долзарбдир. БМТ Ўзбекистоннинг бу борадаги сайёраҳаракатларини ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга тайёр”.

Расмий очилиш маросимидан сўнг Олий Мажлис Сенати ҳамда ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ўртасида ўзаро ағлашув меморандуми имзоланди.

Маълумки, 1948 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганидан буён инсон ҳуқуқлари универсаллиги принципи сиёсий жараёнлар, халқаро ҳуқуқ назарияси ва амалиётида доимо кун тартибда бўлиб келмоқда. Мазкур ҳужжатда инсониятга хос кадр-қиммат ҳамда уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва яппи тинчлик асоси эканлиги белгилаб қўйилди. Унда мулк, яшаш, оилавий муносабатларга киришиш, фуқаролик, шахсий дахлсизлик, меҳнат қилиш каби ҳуқуқларга эгаллик ҳар бир инсон учун нафас олишдек табиий ҳолат эканлиги алоҳида эътироф этилган. Бугунги кунда Декларация 360 дан ортиқ тилларга ўғирланган бўлиб, жаҳондаги энг кўп таржима қилинган ҳужжатлардан бири саналади.

Бинобарин, демократик-ҳуқуқий ҳамият барпо этиш йўлидан бораётган барча давлатлар ундаги гоаялардан келиб чиқиб, Конституция ва қонунчилик ҳужжатларини қабул қилган ҳамда такомиллаштириб борапти. Ўтган даврда мазкур Декларация давлатнинг инсон ҳуқуқлари бўйича таркибини янада чуқурлаштириш, унинг тузилмасини такомиллаштириш ҳамда мажбурият соҳасини кенгайтиришга туртки берди. Қолаверса, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва рағбатлантирувчи кўплаб миллий ҳамда минтақавий ҳукуматлараро ташкилотлар сонининг ортшишга замин яратди. БМТ, ЕХХТ, Ислон ҳамкорлик ташкилоти каби бир қатор нуфузли муассасалар таъсис этилгани бунинг тасдиғидир.

Таъкидлаш жоизки, Конституциямизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида назарда тутилган асосий тамойиллар ўз ифодасини топган. Асосий Қонунимизда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши, жиёси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглик белгилаб қўйилган. Республикамиз инсон ҳуқуқлари бўйича 70 та асосий ҳужжатга қўшилган, БМТ томонидан қабул қилинган 10 та халқаро шартноманинг бевосита иштирокчиси ҳисобланади. Қолаверса, юздан ортиқ қонуналар қабул қилиниб, улар халқаро меъёр ҳамда андозаларга мувофиқлаштирилмоқда. Халқаро стандартларни тизимли ва босқичма-босқич имплементация қилиш модели, инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ҳамда эр-

кинликларига риоя этилиши мониторинги миллий тизими шакллантирилган. Соҳада Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби бир қатор ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси бу борадаги ислохотларда янги босқични бошлаб берди. Шу асосда жамиятда инсон ҳуқуқлари ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш, адолатни чуқур қарор топтириш, одил судлов тизимини мустаҳкамлаш, халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида Ўзбекистоннинг ўрни ва ролини янада ошириш йўлидаги

чора-тадбирлар қатъий олиб бориляпти. Айниқса, ўтган даврда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Виртуал қабулхона ҳамда мамлакатимизнинг барча ҳудудда Халқ қабулхоналари ташкил қилингани аҳоли, айниқса, ногиронлиги бор фуқароларни ўйналтириб келаётган кўплаб масалаларнинг адолатли ечим топишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларнинг қисқа вақт ичида жамият ҳаётида ўз ўрнини топгани, фуқароларнинг ишончига сазовор бўлгани, энг муҳими, мавжуд муаммоларни жойида ҳал қилишнинг самарали тизими яратилгани “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ҳаётий тамойилнинг изчил рўёбини таъминлаётир.

Шуларга мос равишда Стратегия БМТ Барқарор тараққиёт мақсадларини баҳарлиш бўйича Ўзбекистоннинг “йўл харитаси”га ҳам айланди.

Маълумки, 2015 йил сентябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтган барқарор ривожланиш бўйича БМТ саммитида бу борада 2030 йилгача баҳариладиган ишлар кун тартиби тасдиқланди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси гоаяларига ҳамохан тарзда барқарор тараққиётнинг 17 та мақсадини рўёбга чиқариш учун 15 йил ичида амалга ошириладиган 169 та вазифа белгилаб олинди. У дунё, хусусан, Осиё қитъаси бўйича қатор ҳаракат режаларини ўз ичига олади. Ҳамма жойда қашоқлик ва очликка барҳам бериш, давлатлар ичида ҳамда уларнинг ўртасидаги тенгсизликка қарши курашиш, тинч, адолатли ва кенг қамровли жамиятларни барпо этиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенглигини рағбатлантириш ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, Ер сайёраси ҳамда унинг табиий ресурслари мунтазам муҳофаза-

сини таъминлаш шулар жумласидандир. Уни қабул қилган давлатлар дунёнинг барқарор ва истиқболли тараққиёт йўлига ўтиши учун шошилинч равишда зарур бўлган барқарор ҳамда дадил қадамлар ташлаш мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар.

Шубҳасиз, бутун дунёда жадал суръатларда кечаётган глобаллашув даврида бу кенг қамровли вазифалар давлатлар зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Ҳозирги шиддатли ўзгаришлар жараёнида жаҳоннинг айрим минтақаларида давлатлар томонидан инсон ҳуқуқларининг универсаллигини ҳар бир киши учун таъминлаб бериш осон кечмаяпти.

Жами 4,5 миллиарддан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Осиё минтақасининг келажаги кўп жиҳатдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2030 йилга қадар барқарор тараққиёт соҳасида белгиланган вазифаларни амалга оширишга тайёр бўлишга боғлиқ.

Форумда асосий эътибор инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қитъадаги мавжуд механизмларни янада такомиллаштириш ва янгиларини таъсис этиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган. Шунингдек, халқаро анжуманда қитъа мамлакатларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институтлари ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлигини таъминлаш, бу соҳада минтақавий миқёсдаги таъсирчан механизмларни яратиш масалалари муҳокама қилиняпти.

Биринчи кунги халқаро анжуман ўз ишини учта сессияда давом эттирди. “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларация мероси — универсаллик ва инсон ҳуқуқлари” деб номланган биринчи сессия иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик ҳамда сиёсий ҳуқуқларнинг универсаллиги ва ўзаро боғлиқлиги принциплари талқинига бағишланган. Унда инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги мажбуриятларнинг баҳарилиши борасида эришилган ютуқлари мавжуд муаммолар кўриб чиқилди.

“Инсон ҳуқуқлари — Барқарор ривожланиш мақсадларини таъминлаш асоси сифатида” деб номланган иккинчи сессияда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашда давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятлари ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг тутган ўрни ва аҳамияти муҳокама қилинди. “Инсон ҳуқуқлари соҳаси таълими: инновациялар ва янги давлатлар” деб аталган учинчи сессияда инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши, ҳимоя этилиши ҳамда уларга риоя қилинишини таъминлашга доир қарорлар қабул қилиш жараёнида инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорликда қўллайдиган механизмлар, воситалар ҳамда ёндашувлар хусусида сўз юритилди.

Форум бугун ҳам ўз ишини давом эттиради.

Сайджон МАХСУМОВ,
Умид СОРИЕВ,
Ринат АБДУЛМАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Сўз — форум иштирокчиларига

Наталья ГЕРМАН,
БМТ Бош котибининг махсус вакили, Марказий Осиёда
превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари:



— Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан кўҳна ва навқирон Самарқандда дунёнинг нуфузли халқаро ташкилотлари вакилларининг бир жойга тўпланиши катта аҳамиятга эга воқеа бўлиб бу, ўз навбатида, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг муҳим ҳужжат эканлигини яна бир қарра тасдиқлайди. Ўзбекистонда сўнгги йилларда инсон ва унинг шаъни, кадр-қимматини улуғлашга катта эътибор қаратилляпти. Буни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вакили сифатида ўзим ҳам яқиндан кузатиб келмоқдаман.

Мамлакат қўшни давлатлар билан дўстлик, ҳамжихатлик, ҳамкорлик алоқаларини тобора мустаҳкамлаб бораётгани ҳам диққатга сазовор. Мазкур жараёнда шарқона бағрикенглик фазилатларига ғувоҳ бўлялмиз. Давлат чегараларининг очилиши, виза режими либераллашуви, ҳудудлараро савдо-саноат, транспорт ҳаракати жадаллашуви нафақат минтақа халқларини, балки жаҳон ҳамжамиятини ҳам қувонтиряпти. Бунда очиклик, шаффофлик каби демократиянинг муҳим тамойиллари асос қилиб олинмоқда. Бу эса инсон ҳуқуқларини кенг таъминлашнинг яна бир муҳим шартидир. Форумда бу борадаги имкониятларни кенгайтириш бўйича белгилаб олинган режалар ҳам муҳокама қилиняпти.

Сергей ЛЕБЕДЕВ,
МДХ Ижроия қўмитаси Раиси —
Ижрочи котиби:



— Бугун жаҳон ҳамжамияти Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлики кучайтириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ташаббусларини кўллаб-қувватламоқда.

МДХни янада ривожлантириш концепциясининг бош мақсади ҳам демократия ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро тамойиллар ҳамда стандартларни амалга оширишдир. Бу борада Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси дастуриламал ҳисобланади.

Хусусан, айни пайтда оилада зўравонлик, болалар ҳуқуқлари бузилишининг оллик, хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқларини кенгайтириш, сўз, виждон, дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш каби йўналишларда ўзаро ҳамкорлик қилиш долзарбдир.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бугун инсон ҳуқуқлари соҳасида иккиёқлама стандартлар амалиётидан воз кечган ҳолда, конструктив, тенг ҳуқуқли ва ўзаро ҳурматга асосланган ҳамкорлик олиб бориш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этапти. Форум айнан шу нуқтаи назардан фикр ва тажриба алмашиш имконини бераётир.

Ингибьёр Сольрун ГИСЛАДОТТИР,
ЕХХТнинг Демократик институтлар ва
инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори:

— Самарқандда Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми юқори савияда ташкил этилганини айтиш жоиз.

Декларация бундан 70 йил олдин қабул қилинган бўлса-да, айрим ҳудудларда инсон ҳуқуқлари, репрезентатив демократияга босим ўтказиш ҳолатлари ҳамон учраяпти. Бундай муаммоларга оқилона ечимлар топишда ўзаро тажриба ҳамда фикр алмашиш сув ва ҳаводек зарур.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур форум айнан шу жиҳатдан долзарб. Эркинлик, шаффофлик ҳамда инсон ҳуқуқлари ҳимояси жамиятда ҳавфсизлики таъминлаш, фуқаролик институтларини ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири саналади. Ўзбекистонда сўнгги йилларда бу борада сезиларли ўзгаришлар кузатиляпти. Эътиборлиси, унда ЕХХТ ва Венеция комиссияси экспертлари тавсиялари инобатга олинаётгани қувонарли ҳол. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг ҳақиқий демократик принципларга содиқлигини ифодаляйди.

Георгий ЦЕРЕТЕЛИ,
ЕХХТ Парламент Ассамблеяси раиси:



ри ҳимоясининг асосий мезонлари ва механизмларини такомиллаштириш учун янги ёндашувлар ишлаб чиқишга туртки беради.

Токон МАМИТОВ,
Қирғизистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман):

— Самарқанд шахрида бўлиб ўтаётган инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми, айниқса, Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари учун ниҳоятда муҳимдир. Тан олиш керак, маълум муддат бизнинг ҳудудда инсон ҳуқуқлари бузилаётгани, аёллар таҳқирланаётгани ҳақида салбий стереотиплар шаклланиб қолган эди. Форум бу борадаги ижобий амалий ишларни кўрсатиб бериш имконияти ҳамдир.

Сўнгги йилларда давлатларимизда инсон омили устувор саналган демократик қадриятлар жадал ривожланаётганига ғувоҳ бўлялмиз. Улкан минтақамиз учун стратегик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этадиган Осиё форуми ҳам шундан далолат бериб турибди. Бундай мулоқотлардан сўнг нафақат Марказий Осиёнинг демократик имиджи тубдан ўзгаради, балки бу ерда яшовчи инсонлар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича янги марраларга эришилади.



«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ
юридик шахслар учун депозит
сертификатларини таклиф қилади

Хўжалик юритувчи субъектлар ўзининг бўш пул маблағларидан самарали фойдаланиши, қўшимча даромадлар олиши учун «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонидан умумий қиймати 200 000 000 000,0 (икки юз миллиард) сўмини ташкил этадиган, ҳар ой унчун оралиқ фоиз тўловлари кейинги ойнинг биринчи ўн кунлигида тўлаб бориладиган депозит сертификатлари муомалага чиқарилди.

Депозит сертификатлари олди-сотди, ҳада қилиш, мерос қилиб олиш, устав фондига киритиш ва эгаси алмашувига олиб келадиган бошқа битимларда, шунингдек, гаровда битим объекти бўлиши мумкин.

Депозит сертификати учун фоиз тўловлари қуйидагича:

Муддатлари	Йиллик устама фоиз миқдори
181 кундан 365 кунгача	Қайта молиялаштириш ставкаси минус 1,0 %
366 кундан 730 кунгача	Қайта молиялаштириш ставкаси минус 0,5 %
731 кундан 1095 кунгача	Қайта молиялаштириш ставкаси

Банк депозит сертификати бўйича фоиз тўловларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси (амалдаги қайта молиялаш ставкаси 16%) ўзгарган тақдирда, ушбу ўзгаришни киритилган кундан эътиборан белгиланган тартибда ҳисоблайди ва тўлаб беради.

Депозит сертификатларини сотиб олиш учун банкнинг исталган филиалига ёки бош офисига муурожаат қилишингиз мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 78-120-45-07, 78-120-35-75. *Хизматлар лицензияланган.*

ЭЪЛОНЛАР

Тадбиркорлар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!
Бозорлар қуриш бўйича
«NBU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекцияси
қуйидаги объект қурилиши юзасидан пудрат ташкилотини аниқлаш учун энг яхши таклифлар танлови бўйича очик харидлар ўтказилишини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2853-сонли қарориде белгиланган лойиҳани амалга ошириш доирасида Жиззах вилояти, Фориш туманидаги «**Фориш деҳқон бозори**» **МЧЖ**ни реконструкция қилиш ва унинг ҳудудда бир қаватли супермаркет, ёрдамчи иншооти билан 150 ўринли енгил металл конструкциялардан тайёрланадиган йиғиш-ёйиш павильонини ўз ичига олган III типли замонавий савдо мажмуасини қуриш.

Харид ишларининг охириги қиймати: ҚҚСни ҳисобга олганда 5 990 913 864 сўм, ҚҚСни ҳисобга олмганда 4 992 428 220 сўмини ташкил қилади.

Молиялаштириш манбаси: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки маблағлари.

Қурилиш муддати: пудрат шартномаси имзоланган вақтдан бошлаб 240 кун.

Буюртмачи: бозорлар қуриш бўйича «NBU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекцияси.

Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғуломов кўч., 95-уй, тел.: 71-236-23-18.

Савдоларда қатнашадиган иштирокчилар учун қуйидаги квалификацияловчи (таснифловчи) талаблар қўйилади: харид буюми қийматининг 20 фоиз ҳажми (1 198 182 773 сўм)даги айланма маблағлар ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим этиш бўйича банк кафолати, ишларни амалга ошириш учун зарур ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва мутахассислар, шартнома имзолаш учун фуқаровий-ҳуқуқий лаёқат ҳамда ваколат, охириги уч йилда шу каби объектлар ва харид объектлари бўйича иш тажрибаси мавжуд бўлиши керак.

Харид ҳужжатлари exarid.uzex.uz сайтига жойлаштирилади.

Харидларда иштирок этиш учун савдо ташкилотчиси — бозорлар қуриш бўйича «NBU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекциясининг қуйидаги манзилига муурожаат қилиш лозим:

Тошкент ш., Я. Ғуломов кўч., 95-уй, тел.: 71-236-23-18, 71-233-83-27,
электрон почта — nbu.direksiya@mail.ru

Харид ташкилотчисиға таклиф юборишининг охириги муддати — 2018 йил 30 ноябрь.

Таклифларни очиш 2018 йил 3 декабрь куни соат 11.00 да қуйидаги манзилда бўлиб ўтади:
Тошкент шаҳри, Я. Ғуломов кўчаси, 95-уй.

Навоий шахри ва Навоий кон-металлургия комбинати ташкил топганлигининг 60 йиллигига

ХАЛҚИМИЗ ФАХРИ, ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ТАЯНЧИ, ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

Эътироф

Билим, тажриба ва республикада мавжуд улкан салоҳият туфайли Навоий кон-металлургия комбинати бугун дунё миқёсидаги етакчи компаниялардан бирига айланди.

С. ИМАИ,
«ITOCHU Corporation» корпорацияси ижрочи директори.

Корхоналаримиз ўртасидаги мустақкам ҳамкорлик мамлакатларимиз саноати равнақида, уларнинг жаҳон бозоридаги мавқеи юксалиб боришига хизмат қилаётгани билан фахрланамиз.

П. ПАРХОМЧИК,
«БелАЗ» ОАЖ бош директори.

Замонавий ва гўзал шаҳарлар, бой ресурсга эга кон, карьер ва шахталар, йирик заводлар комбинат шонли тарихининг муҳим қисмидир. Шундай улкан ишлаб чиқариш мажмуаси фаолиятида ҳамроҳ бўлганимиздан беҳад мамнунмиз.

А. КАНЦЕЛЬ,
«Интегра» компанияси гуруҳи президенти.



Изланиш

Яхши ҳикмат — олтиндан қиммат

Олти минг йил давомида у гоҳ сарғиш, гоҳ қизғиш кўринишларда инсониятни ўзига оҳанрабодек мафтун этгани этган. Баъзи манбаларда “инсон илк бор учратган металл”, деб ҳам эътироф қилишади.

Камёб бўлишига қарамай, дунёнинг 50 дан зиёд мамлакатларида қазиб олинади. Кўпчилик фойдали қазилмалар сингари олтин ҳам ўзи “суйган” жойларни макон тутган. Жаҳондаги олтинларнинг эллик фоизи тахминан миллиард йил бурунги Кемрий давригача бўлган геологик қатламларда жойлашган бўлса, қолганлари бизнинг 70 миллион йил ажратиб турган Кайнозой ва Мезозой даврлари ер қатламларида яширинган.

Шу боис олтин бир қатор геологик илмий ва географик ноилмий кашфиётларга туртки берган. Ноилмийсига тўхталсак, олтин вассасига учраган Христос Колумбинг сайёҳати Американинг кашф этилишига сабаб бўлган барчага маълум.

Мамлакатимизда олтин, асосан, Қизилкум кенгликларидан қазиб олинади. Унга ўтган асрнинг иккинчи ярмида асос солинган. Бироқ диёримиз олтини хусусида бундан икки ярим минг йил муқаддам Геродот “массагет-

лар кумуш ва темирдан фойдаланишмайди, сабаби, уларда олтин ва мис нисҳатда мўл” дея эътироф этган. Қолаверса, Олтинсой, Олтинтов, Олтинтопан, Зармитан, Заркент каби жой номланишларини ҳам аждодларимиз беҳиз таллашмаган. Ёки Зарафшон дарёсини олайлик. Ривоят қилишларича, қадимда кишилар мазкур дарё тубига қўй терисини чуқтириб, кейин унинг жунари орасидан олтин зарраларини териб олишган экан.

Қисқаса, олтин ҳамон кишиларни ўзига жалб этиб келади. Инсоният тарихидаги уруш, жанг, жадал, ўғирлик, қаллоблик, хиёнатларнинг аксарияти унинг вассасига туфайли келиб чиққан. Олтиннинг ижобий ҳамда салбий хусусияти ва ҳосияти хусусида янаям кўпроқ тасаввур беришимиз мумкин. Лекин халқимиз айтганидек, “олтинни топгандан кўра, унга эришган маъқул”. Бинобарин, яхши ҳикмат олтиндан қимматроқ.

Эҳтиром

«Эл нетиб топғай мениким...»

Мамлакатимиз раҳбарининг 2016 йил Навоий вилояти сайловчилари билан учрашувида Алишер Навоий номи билан аталувчи вилоятда ҳар йили халқроқ конференция ўтказиш тўғрисидаги таклифи буюк бобокалонимиз ижоди ва фаолиятига кўрсатилган улуғ эҳтиром ифодасидир.

Шу асосда бундай нуфузли анжуман 2017 йил илк бор ташкил этилди. Жорий йилдагисига эса дунёнинг 20 дан ортқ давлатлари ҳамда мамлакатимизнинг 200 нафарга яқин навоийшунос олимлари иштирок этди. Бу Алишер Навоийнинг бой ва серқирра ижодиди фақат ўзбек адабиётидагина эмас, балки жаҳон адабиётида ҳам тадқиқотчилар диққат марказида эканлигидан далолатидир.

Алишер Навоий талқинида инсон табиатининг бетакорр муъжизаси, тириклик гүлтожи сифатида намоён бўлади, — дейди навоийшунос олим Тоҳир Ҳўжаев. — Хусусан, “Хамса”даги дostonларда шоир инсон омилини таҳлил этаркан, мукаммал давлат, адолатли ҳукмдор ва жамият, кишиларни бахт-саодатга элтувчи одил шоҳ

тимсолларини яратди, халқнинг орзу-ниятлари ва ўй-фикрларини баён этади. Қисқача айтсак, инсон манфаатлари энг улуғ қадрият эканлигини бадиий образларда очиб беради. Шоир ижодини кенг қамраб олган ушбу фалсафа бугун ҳар жиҳатдан устувор сиёсатга айланади.

Дарҳақиқат, Навоий шахси адабиёт оламида улкан уммонга ўхшайди. Урганган сайин янги-янги жиҳатлари очилиб бораверади. Шу нуктаи назардан қараганда, бугун Ҳазрат номи билан аталувчи вилоятда юз бераётган ўзгаришлар, бунёдкорлик ва ободлик шоир адабий меросидаги дуру гавҳарлар, унда тараннум этилган эзгу амалларнинг ёрқин инъикосидир, десак, айтиш ҳақиқат.

Факт ва рақамлар

✓ Хозирги кунда Навоий шахрида **18** миллат вакилларидан иборат **200** минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади.

✓ Шаҳарда **546** та саноат корхонаси мавжуд. Уларнинг **26** таси қўшма корхонадир.

✓ “Навоий-сити” қурилиши учун **42** гектар ер ажратилган.

✓ 2017 — 2026 йилларга мўлжалланган дастурга мувофиқ, НКМКда умумий қиймати **3 миллиард АҚШ долларилик 27** та инвестициявий лойиҳа амалга оширилади. Бунинг натижасида қимматбаҳо металл ишлаб чиқариш ҳажми **30** фоиз ортиб, **31** мингга яқин иш ўринлари яратилади.

✓ Президентимиз ташаббуси билан Навоий давлат кончилик институти лабораторияларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун **6 миллион АҚШ доллари** ажратилди.

Ташаббус

Минг йилдан сўнг...

Дунё XI асрни “Беруний асри” дея тан олади. Қомусий олим Абу Райҳон Беруний томонидан яратилган 160 дан зиёд илмий ишлардан 30 тасигина бизгача етиб келган. Улардан бири — “Минералогия” асари эса дунёдаги бир қатор тилларга таржима қилинган бўлса-да, ўзбек тилига ўйрилиб, чоп этилмаган эди.

Ўтган йили мазкур асар комбинат ташаббуси билан Навоий давлат кончилик институти ва Тошкент давлат шарқшунослик институти олимлари ҳамкорлигида ўзбек ти-

лига таржима қилиниб, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриётида чоп этилди.

Асарда улуғ аллома 30 дан зиёд қимматбаҳо тош ва минераллар номи,

уларнинг кимёвий ва физикавий хоссаларини аниқлаш, эритиб синаш, деярли барча қимматбаҳо тош ва маъданлар ҳақида илмий маълумотлар беради.

“Минералогия” асари нафақат илмий, балки тарихий нуқтаи назардан ҳам алоҳида қимматга эга. Шу боис мазкур асар қисқа фурсатда илмий тадқиқотчилар, мутахассислар, тарихчилар, қолаверса, кенг халқ оммасининг китоб жавонидаги бебаҳо мулкига айланиб улгурди. Шунингдек, асарнинг электрон наشري ҳам кенг китобхонлар эътиборига ҳавола этилган.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 72 868 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибона 71-233-10-28; Ўзлоглар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган кўлашмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.

Набатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.

Набатчи — Ш. Рафқоров.

Мусахҳис — Ш. Машраббев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.50 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6



Саҳифа материаллари «Халқ сўзи» мухбири Темура ЭШОБЕВ тайёрлади.

Азамат ЗАРИПОВ олган суратлар.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси